

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 17 » май 20 19 у.

№ 412

Toshkent sh.

**Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида цемент заводи
қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Самарқанд вилоятидаги мавжуд табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, сифатли цемент маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон қарорига мувофиқ “Gansu hengya cement Co.Ltd” (ХХР) компанияси (кейинги ўринларда инвестор деб аталади) томонидан 2019-2021 йилларда умумий қиймати 340 млн АҚШ доллариллик йиллик 2,4 млн тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цемент заводи (кейинги ўринларда инвестиция лойиҳаси деб аталади) қурилиши назарда тутилганлиги ҳамда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Hengyuana cement” қўшма корхонаси (кейинги ўринларда “Hengyuana cement” ҚК деб аталади) ташкил этилганлиги;

инвестиция лойиҳаси доирасида цемент заводини қуриш учун Каттақўрғон тумани ҳудудидан 50 га ер майдони ажратилганлиги ҳамда Нуробод тумани ҳудудида жойлашган норуда фойдали казилмаларни ўз ичига олган умумий майдони 138 га ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларни олганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва инвесторнинг инвестиция лойиҳаси доирасида:

биринчи босқичда умумий қиймати 220 млн АҚШ доллариллик йиллик 1,2 млн тонна цемент ишлаб чиқариш қувватини 2020 йилда;

иккинчи босқичда умумий қиймати 120 млн АҚШ доллариллик инвестицияни ўзлаштирган ҳолда, инвестиция лойиҳасини тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш натижасида йиллик 2,4 млн тонна цемент ишлаб чиқариш қувватини 2021 йилда ишга тушириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

бир ой муддатда инвестор билан белгиланган тартибда инвестиция шартномасини тузилишини таъминласин ҳамда инвестиция шартномасида инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, инвестициялар ҳажмини, ташкил этиладиган иш ўрни сонини, инвесторга бериладиган имтиёзлар ва преференцияларни ҳамда мазкур қарор иловасига мувофиқ Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги цемент ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳасининг мўлжалланган дастлабки техник-иқтисодий параметрларини ҳисобга олган ҳолда бошқа инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни назарда тутсин;

инвестиция шартномасига мувофиқ мажбуриятларни инвестор томонидан бажарилишини мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

4. “Hengyuan cement” ҚҚга инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишларини 2019 йил 1 июлга қадар лойиҳа-смета ҳужжатларини бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқиш билан амалга оширишга рухсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ қуриладиган цемент заводи ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига уланишида “Hengyuan cement” ҚҚга амалий ёрдам кўрсатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги инвестиция лойиҳасининг лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ва инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси инвестиция лойиҳасини давлат экология экспертизасидан ўтказилишини ва уни амалга оширишда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини белгиланган тартибда таъминласин.

8. “Hengyuan cement” ҚҚ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

а) 2020 йил 1 октябрга қадар:

“Hengyuan cement” ҚҚ ва унинг субпудрат ташкилотлари томонидан четдан олиб келинадиган, шу жумладан, “вақтинча олиб кириш” божхона режимида асбоб-ускуналар, хом-ашё ва материаллар, машина ва механизмлар, махсус транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи узеллар, приборлар ва инструментлар, техник ва лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича божхона тўловларини (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан;

кўрсатиладиган хизматлар, четдан олиб келинадиган товарлар, материаллар, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, технологик жиҳозлар, транспорт воситалари приборлари, эҳтиёт қисмлар, инструментлар, ёқилғи мойлаш материаллари Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларида лицензияланишида йигимлар, давлат божлари ва тўловлар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажариладиган ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

импорт килинадиган материаллар, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, технологик жиҳозлар, приборлар, эҳтиёт қисмлар, инструментлар – мажбурий сертификатлаш тартибидан;

б) 2021 йил 1 январга қадар:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи тўлашдан;

ер қаъри участкасидан фойдали қазилма конларининг ҳар бир тижоратбоп топилмаси учун тўланадиган “тижоратбоп топилма бонуси” тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлигининг буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга қўп марталик кириш визалари, консуллик йиғимлари ва ҳақиқий ҳаражатларнинг ўрнини коплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Hengyuan cement” ҚҚнинг буюртманомалари бўйича инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга қўп марталик кириш визалари давлат божи ундирилмасдан берилишини ва узайтирилишини, шунингдек, улар вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилинишини ҳамда муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги “Hengyuan cement” ҚҚнинг буюртманомалари бўйича инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж. Рамамов, Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ғаниев ва Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арнпов



Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "17" май даги
412 - сон қарорига
илова

**Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги цемент ишлаб чиқариш бўйича инвестиция
лойиҳасининг мўлжалланган дастлабки техник-иқтисодий
ПАРАМЕТРЛАРИ**

минг АҚШ доллари

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами (тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар)	шу жумладан:	
			1-босқичда (2020 йил декабрь)	2-босқичда (2021 йил декабрь)
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати	340 000,0	220 000,0	120 000,0
2.	Капитал қўйилмалар ҳажми	340 000,0	220 000,0	120 000,0
2.1.	машина ва асбоб-ускуналар	184 500,0	89 500,0	95 000,0
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари	130 000,0	115 000,0	15 000,0
2.3.	инвестиция жараёнидаги молиявий ҳаражатлар	13 428,6	13 428,6	-
2.4.	бошланғич айланма маблағлари	71,4	71,4	-
2.5.	бошқа ҳаражатлар	12 000,0	2 000,0	10 000,0
3.	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати	480 минг тн М600, 480 минг тн М500 (оқ), 480 минг тн М500 (кулранг), 960 минг тн М400	240 минг тн М600, 240 минг тн М500 (оқ), 240 минг тн М500 (кулранг), 480 минг тн М400	240 минг тн М600, 240 минг тн М500 (оқ), 240 минг тн М500 (кулранг), 480 минг тн М400
4.	Кутилаётган йиллик экспорт ҳажми	136 минг тонна М600, 336 минг тонна М500 (оқ), 336 минг тонна М500 (кулранг) ва 672 минг тонна М400	68 минг тонна М600, 168 минг тонна М500 (оқ), 168 минг тонна М500 (кулранг) ва 336 минг тонна М400	68 минг тонна М600, 168 минг тонна М500 (оқ), 168 минг тонна М500 (кулранг) ва 336 минг тонна М400
5.	Ташкил этиладиган иш ўрни	600	300	300
6.	Лойиҳани ишга тушиш муддати	2021 йил декабрь	2020 йил декабрь	2021 йил декабрь